# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 20 май, № 103 (8446) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 18-19 май кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**






Давлатимиз раҳбари 19 май куни Сиань шаҳрида “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммитида иштирок этди.

Хитой Халқ Республикаси раҳбари Си Цзиньпин раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида саммит асрлар давомида бутун Евроосиёнинг цивилизациясида, ўзаро боғлиқлиги ва тараққиётида муҳим омил бўлган Буюк Ипак йўлининг бошланиш нуқтаси бўлиб хизмат қилган кўҳна Сиань шаҳрида ўтаётгани рамзий маънога эгалигини таъкидлади.

Ушбу учрашув мураккаб халқаро вазият шароитида алоҳида аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

— Пандемия синовларини енгиб ўтган мамлакатларимиз глобал миқёсда ишонч инқирозининг салбий оқибатларига дуч келди.

Марказий Осиё учун муҳим бўлган одатдаги транспорт-логистика занжирларида жиддий узилишлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлиги учун таҳдидлар, инфляция импорти ўсиб бораётгани ортидан ижтимоий кескинлик хатарлари ва бошқа муаммолар биздан янада яқин мувофиқлашув ва амалий ҳамкорликни талаб қилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугун Марказий Осиё мулоқот ва кенг кўламли ҳамкорлик учун очиқ, ҳамжиҳат ва кучли минтақа экани мамнуният билан қайд этилди.

Саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва амалий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Президенти савдо, инвестиция, транспорт ва гуманитар соҳалардаги минтақавий шерикликни узоқ муддатли кун тартиби, истиқболли режа ва вазифалар асосида ривожлантириш бўйича қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Стратегик ёндашувлар, комплекс тавсия ва ечимларни, минтақавий ва глобал миқёсда туб ўзгариш ясайдиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш мақсадида олти мамлакатнинг етакчи “ақл марказлари” ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги қайд этилди.

➔ 2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ХИТОЙ» САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Сизлар билан яна кўришиб турганимдан ғоят хурсандман.

Ҳамкасбларимнинг фикрларига қўшилган ҳолда жаноб Раис Си Цзиньпинга “Марказий Осиё — Хитой” форматидаги биринчи юзма-юз учрашувни ўтказиш ташаббуси ҳамда анъанавий илиқ ва самимий қабул учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Хитой Раисига дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири, буюк империя пойтахти бўлган гўзал Сианда бугунги учрашувимизни ташкил этгани учун алоҳида ташаккур билдираман.

Йирик илмий, маданий ва иқтисодий марказ бўлган бу шаҳар кўп асрлар давомида бутун Евроосиё қитъасида цивилизацион ривожланиш, ўзаро боғлиқлик ва тараққиётга муносиб ҳисса қўшган Буюк Ипак йўлига тамал тоши қўйилган қутлуғ маскандир.

“Бир макон, бир йўл” ташаббусига ўн йил тўладиган мазкур йилда айнан мана шу жойда — Шарқда шуҳрат қозонган Чанъанда биз ушбу эзгу анъаналарни тиклаб, мамлакатларимизнинг янги даврдаги умумий равнақи учун мустаҳкам пойдевор қўяётганимиздан мамнунман.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бугунги мураккаб халқаро вазиятда бизнинг саммитимиз алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатларимиз пандемия билан боғлиқ синовларни енгиб ўтиб, глобал миқёсдаги ишонч тақчиллигининг салбий оқибатларига тўқнаш келди. Айниқса, Марказий Осиё учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган барқарор транспорт-логистика занжирларидаги жиддий узилишлар, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига таҳдидлар, инфляция импорти ўсиб бораётган шароитдаги ижтимоий кескинлик билан боғлиқ хавф-хатарлар ва бошқа муаммолар биздан амалий ҳамкорлигимизни кучайтириш ва фаолиятимизни янада кўпроқ мувофиқлаштиришни талаб этмоқда.

Ҳамкасбларимнинг мазмунли нутқлари ва уларнинг ҳамкорликка қатъий тайёрлиги минтақадаги туб ўзгаришлардан далолат беради.

Бугун Марказий Осиё бутунлай янги — жипслашган ва кучли, мулоқот ва кенг кўламдаги шериклик учун очиқ минтақадир.

Ўтган йили биз минтақа мамлакатлари ва Хитой ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўттиз йиллигини биргаликда нишонладик. Ишонч, ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олишга асосланган мукаммал ҳамкорликка эришдик. Ўзаро маҳсулот айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми юзлаб каррага ошди, бизнес кооперацияси ва гуманитар алмашувлар соҳасида катта тажриба орттирдик.

Шунга алоҳида урғу бериб айтмоқчиман: бизнинг мамлакатларимиз — Хитойнинг “Ян-гуань довони ортида”ги вақт синовларидан ўтган чинакам дўстларидир.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Биз бугунги йиғилиш кун тартибидаги масалаларни ва Сиань декларациясининг асосий бандларини қўллаб-қувватлаймиз. Бугун илгари сурилаётган ташаббус ва таклифлар, албатта, амалга оширилади, деб ишонаман.

Шу маънода, минтақавий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўйича самарали шериклик механизмларини шакллантириш муҳимлиги ҳақидаги фикрларга тўлиқ қўшиламан. Бу ўринда сўз, биринчи навбатда, савдо, инвестициялар, транспорт, гуманитар алоқалар ҳақида бормоқда.

Шу билан бирга, келгуси ўн йилликларга мўлжалланган кўп қиррали ҳамкорликнинг узоқ муддатли кун тартибини, истиқбол учун режа ва вазифаларни ишлаб чиқиш принципиал жиҳатдан муҳим, деб ҳисоблайман.

Менимча, мамлакатларимизда етакчи “ақл марказлари”нинг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Таҳлил институтлари, олим ва мутахассислар стратегик ёндашувлар, комплекс тавсия ва қарорлар, минтақавий ва глобал миқёсда туб бурилиш ясайдиган лойиҳаларни ишлаб чиқиши лозим.

Келгуси йил Самарқандда Миллий стратегияларимизни уйғунлаштириш масалалари бўйича биринчи халқаро экспертлар конференциясини ўтказишга ва мунозара майдонини тақдим этишга тайёрмиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Минтақавий ҳамкорлик билан боғлиқ энг долзарб масалалар бўйича бизнинг қарашларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Энг аввало, бу мамлакатларимиз ва бутун минтақанинг барқарор ривожланиши учун зарур шароитларни шакллантиришдан иборат. Бу масалада биз аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағалликка қарши самарали курашишга устувор аҳамият берамиз.

Шу борада тегишли миллий дастурларни амалга оширишда Хитойнинг илғор тажрибасидан фаол фойдаланган ҳолда фақатгина сўнгги бир йилда бир миллиондан ортиқ фуқароларимизни эҳтиёжмандлар тоифасидан чиқаришга эришдик.

Биз муҳтарам Хитой Халқ Республикасининг Раиси билан Глобал тараққиёт ташаббусларининг бош мақсадига эришиш учун биргаликдаги ишларимизни давом эттиришга келишиб олдик.

Ишончим комил, аҳоли ҳаёт даражасини ошириш ва ҳудудларни, энг аввало, қишлоқ туманларини ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган қўшма дастурни қабул қилиш ва амалга ошириш халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланади ҳамда бу 2030 йилгача бўлган Кун тартибидаги мақсадларга эришиш йўлида умумий ҳиссамиз бўлади.

Биз янги иқтисодий мулоқотни шакллантириш ва мамлакатларимиз ўзаро боғлиқлигини кучайтириш тарафдоримиз.

Минтақа мамлакатлари томонидан 2030 йилгача Хитой билан товар айланмаси ҳажмини икки баробар оширишга бемалол эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бунга, биринчи навбатда, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришнинг мутаносиб ўсиши, самарали савдо-логистика инфратузилмалари ва замонавий улгуржи-тақсимлаш тармоқларини шакллантириш, “яшил” ва экспресс-йўлаклар тизимини жорий этиш, электрон тижоратнинг умумий платформасини яратиш ҳисобидан эришилади.

Мамлакатларимизда экспорт ва импорт кўргазмалари, бизнес ва инвестиция форумларини ҳар йили ўтказиб бориш, Марказий Осиё ва Хитой Ишбилармонлар кенгашини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлаймиз.

Қулай шарт-шароитлар ва зарурий ҳуқуқий базани шакллантириш учун Ўзаро савдога кўмаклашиш ва инвестицияларни рағбатлантириш тўғрисида кўп томонлама битимни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Саноат кооперациясини чуқурлаштириш, рақамли технологияларни жалб этиш ва инновацияларни, айниқса, қишлоқ хўжалигига кенг жорий этиш масалалари Хитойнинг провинциялари билан тўғридан-тўғри ҳудудлараро мулоқотлар доирасида самарали ҳал этилиши мумкин.

Амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, биродарлик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш учун бу йил Ўзбекистонда мамлакатларимиз шаҳарлари ва минтақаларининг форуми ва кўргазмасини ўтказишни таклиф этаман.

Хавфсиз, қисқа ва қулай транспорт коридорларини ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга. Улар Хитойни бизнинг минтақаларимиз билан боғлаб, Европа, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиё бозорларига чиқиш имкониятини беради.

Транс-Евроосиё магистрали Буюк Ипак йўлини тиклаш бўйича устувор лойиҳа ҳисобланади. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” автомобиль ва темир йўли ушбу магистралнинг муҳим таркибий бўғинидир. Хитой ва қирғиз шерикларимиз билан биргаликда биз бу борада амалий ишлар босқичига ўтмоқдамиз.

Истиқболда ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ва Трансафғон коридорининг қурилиши “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Хитойни Жанубий Осиё мамлакатлари билан муқобил йўллар орқали боғлаш имконини беради.

Шунингдек, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича миллий дастурларнинг уйғунлигини таъминлаш ва шу асосда узоқ муддатга мўлжалланган ягона стратегияни ишлаб чиқишни биринчи галдаги вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Иқлим ўзгариши ва “яшил” энергетика бўйича ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратишни таклиф этаман.

Афсуски, Марказий Осиёдаги энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш суръатлари саноатлашиш ва урбанизация жараёнларидан, шунингдек, аҳоли ўсишидан ортда қолмоқда. Бу эса мамлакатларимизнинг узоқ муддатли барқарор тараққиёти учун чиндан ҳам жиддий таҳдиддир.

Хитойнинг қуёш, шамол ва гидроэнергетика, шунингдек, лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг молиявий воситалари соҳасида технологик жиҳатдан етакчи эканини ҳисобга олиб, муқобил энергетика бўйича яқин илмий-амалий шерикликни кенгайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Оролбўйидаги экологик муаммоларни ҳал этиш, биохилмахилликни ҳимоя қилиш, музликлар ва тупроқ ҳосилдорлигини сақлаш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда ҳам самарали ҳамкорликка тайёрмиз.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Биз барқарорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича минтақавий мулоқотнинг бугунги даражасини юксак қадрлаймиз. Мамлакатларимизнинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги масалалари бўйича принципиал позицияни эгаллаб келяпмиз.

Ўзбекистон Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мувофиқ хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва тинч тараққиёт тамойилларига асосланган глобал ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Марказий Осиё давлатлари ва Хитой махсус хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида уч ёвуз куч — наркотрафик, трансчегаравий ва кибер жиноятчиликка қарши курашда яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни таклиф этамиз.

Афғонистонда гуманитар ҳалокатга йўл қўймаслик бўйича келишилган позицияни ишлаб чиқиш ва чора-тадбирларни қабул қилиш учун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Афғонистонга қўшни мамлакатлар доирасида Мулоқот гуруҳи платформаларидан тўлиқ фойдаланиш долзарбдир.

Ҳурматли Си Цзиньпин жаноблари, сиз таъкидлаб ўтганингиздек, “Афғонистонда инклюзив сиёсий тизимни яратиш, мамлакатларимизнинг терроризмга қарши кенг кўламли ҳамкорлик ўрнатиши билан боғлиқ масалаларни ҳамжиҳатликда илгари суришимиз муҳимдир”.

Шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ҳамда Афғонистон ҳукумати томонидан ўзаро мажбуриятларни бажариш алгоритмини ишлаб чиқиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида юқори даражадаги Халқаро гуруҳни тузиш ҳақидаги ташаббусимиз қўллаб-қувватланади, деб умид қиламиз.

Биргаликдаги ҳаракатларимизни мунтазам келишиб олиш учун бугунги форматда Хавфсизлик кенгашлари котиблари учрашуви механизмини яратишни таклиф этамиз.

Қадрли дўстлар!

Бизнинг мамлакатларимиз ва халқларимиз миллий маданиятларни ўзаро бойитиб бориш учун катта цивилизацион салоҳият ва улкан имкониятларга эгадир. Марказий Осиё ва Хитой Маданият ва санъати йили ҳамда Ёшлар фестивалининг очилиши доирасида бўлиб ўтган ажойиб концерт бунга яққол мисолдир.

Эзгу анъанага айланиб қолган гуманитар алмашувлар, турли кўргазмалар, концерт ва гастроллар, қўшма спорт тадбирларини ёшларимизни кенг жалб этган ҳолда доимий ўтказиб боришни давом эттиришимиз муҳим, деб ҳисоблайман.

Келгуси йилда мамлакатларимиз Ёш истеъдодлари форумини йўлга қўйишни таклиф этамиз.

Хитой томонига анъанавий тиббиёт, кўз касалликларини даволаш ва таълим соҳаларидаги муҳим ташаббуслари ва қўшма дастурлар учун миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли ҳамкасблар, делегациялар раҳбарлари!

Бизнинг мамлакатларимиз стратегик шерик ва ишончли дўстлардир. Бизнинг ўзаро ишонч, ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланган кўп йиллик ҳамкорлигимиз ҳеч қачон сиёсий конъюнктураларга боғлиқ бўлмаган.

Бугунги халқаро муносабатларда қарама-қаршилик кучайган ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган шароитда ҳам биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаяпмиз ва халқларимиз учун фаровон келажакни биргаликда қуряпмиз.

Мамлакатларимиз пандемия даврида бир-бирига самарали ёрдам кўрсатгани ана шундай алоҳида муносабатларнинг яққол тасдиғидир.

Шу муносабат билан, Хитой томонининг Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасида дўстлик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлаш учун учрашувларимизни мунтазам ўтказиб бориш тўғрисидаги стратегик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни истар эдим.

Раис Си Цзиньпин жаноблари, сиз — буюк Хитойнинг донишманд раҳбари, бизнинг минтақамизда, умуман, бутун жаҳонда хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш тарафдорисиз. Бизнинг учрашувларимиз ва бугунги саммит бу фикрнинг яққол исботидир.

Мазкур анжуманнинг самарали натижалари яхши қўшничилик муносабатлари ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг фаровонлигига хизмат қилишига аминман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ТАШАББУСЛАР

1

Буни муҳокама қилиш учун майдон сифатида келгуси йилда Самарқандда Миллий ривожланиш стратегияларини ўзаро боғлаш масалалари бўйича биринчи халқаро экспертлар конференциясини ўтказиш таклиф қилинди.

Президентимиз минтақа мамлакатларининг барқарор ривожи учун зарур шароитларни шакллантириш, бунда асосий эътиборни камбағалликка қарши самарали курашишга қаратиш масалаларига алоҳида тўхталди.

— Ҳудудларда, энг аввало, қишлоқ жойларда турмуш даражасини ошириш ва уларни ривожлантириш бўйича аниқ вазифалардан иборат қўшма дастурни қабул қилсак ва амалга оширсак, бу халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланиши ва 2030 йилга қадар кун тартиби мақсадларига эришишга умумий ҳиссамиз бўлишига ишонаман, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Давлатимиз раҳбари Янги иқтисодий мулоқотни шакллантириш ва ўзаро боғлиқликни кучайтириш, 2030 йилга бориб минтақа мамлакатларининг Хитой билан товар айирбошлаш ҳажмини икки баравар ошириш ташаббусини илгари сурди.

Ушбу вазифани саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни мутаносиб ошириб бориш, самарали савдо-логистика инфратузилмаси ва замонавий улгуржи-тақсимот тармоқлари, “яшил” ва экспресс йўлаклар, электрон тижорат учун умумий платформаларни йўлга қўйиш орқали рўёбга чиқариш таклиф қилинди.

Қулай шароитлар ва зарур ҳуқуқий асосларни шакллантириш учун Ўзаро савдога кўмаклашиш ва инвестицияларни рағбатлантириш тўғрисида кўп томонлама битимни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқиш таклифи билдирилди.

Президентимиз иштирокчилар эътиборини саноат кооперациясини чуқурлаштириш, рақамли технологияларни жалб қилиш ва инновацияларни жорий этиш масалалари Хитой музофотлари билан тўғридан-тўғри ҳудудлараро алоқалар орқали самарали ҳал этилиши мумкинлигига қаратди.

Шундай амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, биродарлик ва шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда Ўзбекистонда олти мамлакат шаҳар ва ҳудудларининг форуми ва кўргазмасини ўтказиш таклиф қилинди.

— Хитойни минтақамиз билан боғлайдиган, Европа, Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёга олиб чиқадиган хавфсиз ва энг қисқа транспорт йўлакларини ривожлантириш стратегик аҳамиятга эга. Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Транс-Евроосиё магистрали лойиҳаси устувор аҳамиятга эга бўлиб, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” автомобиль ва темир йўллари эса унинг муҳим таркибий қисми бўлади, — деди Президент.

Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш бўйича миллий дастурларни ўзаро боғлаш ва шу асосда узоқ муддатли ягона стратегияни ишлаб чиқиш биринчи галдаги вазифа экани кўрсатиб ўтилди.

Иқлим кун тартиби ва “яшил энергетика” масалалари бўйича ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

— Афсуски, Марказий Осиёда энергетик инфратузилманинг ривожланиш суръатлари саноатлашув ва урбанизация шиддатидан, демографик ўсишдан ортда қолмоқда. Бугун бу мамлакатларимизнинг узоқ муддатли барқарор тараққиёти учун жуда жиддий хавф туғдиради, — деди Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Хитой қуёш, шамол ва сув энергетикасида технологик жиҳатдан етакчи эканини ҳамда мавжуд молиявий воситаларни ҳисобга олиб, муқобил энергетика соҳасида янада яқин илмий-амалий шерикликни йўлга қўйиш таклифи илгари сурилди.

Бундан ташқари, Оролбўйининг экологик муаммоларини ҳал этиш, биохилмахилликни ҳимоя қилиш, музликлар ва тупроқни асраш, сув тежовчи технологияларни жорий қилишда самарали ҳамкорлик муҳимлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Президенти Хитойнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомидаги хавфсизлик бўлинмаслиги ва тинч тараққиёт принципларига асосланган глобал ташаббусини қўллаб-қувватлаб, барқарорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича минтақамиздаги мулоқот даражасини юқори баҳолади.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги Мулоқот гуруҳи ва Афғонистонга қўшни мамлакатларнинг мулоқотидан ўзаро келишилган позицияни ишлаб чиқиш ва ушбу мамлакатда гуманитар ҳалокатга йўл қўймаслик чораларини кўриш учун тўлиқ фойдаланиш муҳим, деб ҳисоблаймиз, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Гуманитар алмашинувлар, кўргазмалар, концерт ва ижодий сафарлар, қўшма спорт тадбирларини мунтазам ўтказишни давом эттириш, уларга ёшларни кенг жалб қилиш муҳимлиги таъкидланди. Шу муносабат билан келгуси йилда Ёш истеъдодлар форумини биргаликда ўтказиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари нутқини якунлар экан, мамлакатларимиз стратегик шерик ва ишончли дўстлар эканини қайд этди.

— Халқаро муносабатларда зиддиятлар ва ноаниқликлар кучайиб бораётган бугунги шароитда биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаяпмиз ва халқларимиз учун фаровон келажак барпо этяпмиз, — деди Президент.

Шу маънода, Хитой томонининг Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва шерикликни мустаҳкамлаш учун бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Саммитнинг самарали натижалари яхши қўшничилик муносабатлари ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига, мамлакатларимиз ва халқларимиз равнақига хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Йиғилиш якунида давлат раҳбарлари “Марказий Осиё — Хитой” саммитининг Сиань декларациясини имзоладилар ва қўшма матбуот анжуманини ўтказдилар.

Саммит тадбирлари якунлангач, мамлакатларимизнинг дўстлиги, яхши қўшничилиги, тараққиёт ва равнақ сари муштарак интилишлари рамзи сифатида биргаликда дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташрифи иккинчи куни доирасида қатор ишбилармонлик тадбирлари бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари ХХР Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Хэ Лифэн ҳамроҳлигида шу кунларда Сиань шаҳрида ўтаётган Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлиги кўргазмасига ташриф буюрди.

Делегациялар икки мамлакатнинг саноат, инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, фан, таълим ва инновациялар соҳаларидаги кооперациясига бағишланган стендларни кўздан кечирди. Ўзаро манфаатли шериклик натижалари ва режалари, эришилган янги келишувлар, Ўзбекистонда амалга ошириш учун ташриф арафасида махсус ишлаб чиқилган истиқболли инвестиция лойиҳалари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Кўргазма доирасида Сиань шаҳри ҳамда Сирдарё, Тошкент, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари ўртасидаги телекўприк орқали янги қўшма лойиҳаларни тантанали ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босиб, жами 3,3 миллиард долларлик 15 та лойиҳани — автомобиль ва электромобиллар, қурилиш материаллари, металдан кенг турдаги маҳсулотлар, тиббий буюмлар ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширди ва янги корхоналар қурилишига старт берди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Хитой ишбилармон, молия ва инвестиция доираларининг етакчи вакиллари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда ХХР Давлат кенгаши Бош вазири ўринбосари Хэ Лифэн, Хитой Компартиясининг Шэньси музофоти партқўми котиби Чжао Идэ, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзинь Лицюнь, Хитой халқаро савдога кўмаклашиш кенгаши раиси Рен Хонбин ҳамда Хитой миллий нефть-газ корпорацияси, Хитой миллий кимё-инжиниринг компанияси, “China CAMC Engineering”, “BYD Auto Industry”, “Sungrow Power Supply”, “China North Industries Corporation”, “Xinjiang Hualing Group”, “China Aerospace Science and Industry Corporation”, “Huawei Technologies”, Хитой тараққиёт банки, Эксимбанки каби 100 дан ортиқ йирик компания, корпорация, банклар, тижорат ва молиявий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари давра суҳбати шаклида ўтказилган тадбир иштирокчиларини самимий қутлаб, ушбу учрашув Хитойнинг иқтисодий марказларидан бири Сиань шаҳрида ўтаётгани рамзий маънога эга эканини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликда мисли кўрилмаган даражага эришилганини алоҳида таъкидлади. Ўзаро товар айирбошлаш икки карра ошиб, 9 миллиард долларни ташкил этгани қайд этилди. Ўзбекистонда ўзлаштирилган Хитой инвестициялари ҳажми илк бор 11 миллиард долларга яқинлашди.

Бугун мамлакатимизда Хитой сармояси иштирокида 1,7 мингдан ортиқ корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. Энергетика, нефть-газ, кимё, тоғ-кон, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда қатор йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Куни кеча ХХР Раиси Си Цзиньпин билан ўтган музокаралар сермаҳсул бўлгани, улар давомида икки томонлама савдо-иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятдан фойдаланиш, Ўзбекистон бозорида Хитой компаниялари учун қулай шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Энергетика, кимё, металлургия, геология, автомобилсозлик, электротехника, қурилиш ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 25 миллиард доллардан зиёд бўлган янги юқори технологик саноат, савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

— Буларнинг барчаси Ўзбекистон — Хитой кооперациясининг яққол ютуқларидан, ўзаро манфаатли шерикликни кенгайтиришга томонларнинг қизиқиши катта эканидан далолат, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари учрашув иштирокчиларининг эътиборини мамлакатимиздаги инвестиция муҳити тубдан яхшилангани, инвесторлар учун максимал даражада қулай шароитлар яратилганига қаратди.

Ўзбекистонда юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва кейинчалик учинчи мамлакатларга экспорт қилиш учун кенг имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Бу борада “яшил” энергетика, кимё, автомобилсозлик, электротехника, металлургия, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, соғлиқни сақлаш ва бошқа тармоқлар, айниқса, истиқболли экани таъкидланди.

Президентимиз Хитой бизнесини зарур ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва барқарор бозор билан таъминлашга, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, лойиҳаларни биргаликда молиялаштиришга тайёрлигини билдириб, хитойлик ишбилармонларни ушбу ноёб имкониятлардан фойдаланишга чақирди.

Фикр алмашиш чоғида Хитой корпорациялари, компания ва банклари раҳбарлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга қатъий интилишини айтди. Устувор соҳаларда, айниқса, юқори технологик ва инновацион ишлаб чиқаришларни ташкил этишда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини билдирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон вазирлик ва идоралари раҳбарларига учрашувда илгари сурилган ташаббусларни шахсий назоратга олиш ҳамда уларни амалга оширишнинг босқичма-босқич механизмлари ва аниқ муддатлари кўрсатилган тегишли “Йўл харитаси”ни қабул қилишни топширди.

* * *

Президент Шавкат Мирзиёев Хитойга давлат ташрифининг иккинчи куни тадбирлари доирасида Сиань шаҳрида Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзинь Лицюнни қабул қилди.

Ўзбекистон билан ушбу нуфузли халқаро молия институти ўртасидаги стратегик ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда банк билан муносабатлар жадал суръатда ривожланаётгани — инвестициявий ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар портфели 2 миллиард доллардан ошгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда камбағалликка қарши курашиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий этиш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, хусусий секторни ривожлантириш борасидаги дастурларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Янги Шериклик дастурини тез фурсатда қабул қилиш ва йирик қўшма тадбирларга тайёргарлик кўриш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

# ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Марказий Осиё — Хитой” саммитидаги иштироки, унда сўзлаган нутқи халқимиз ва юртимиз, шу билан бирга, минтақамиз учун манфаатли бўлишига ишонамиз. Нафақат биз, балки хорижликлар ҳам шу фикрда. Буни саммит ва унинг атрофида кечаётган жараёнларни кузатган ҳар бир инсон кўриб, ҳис этиб турибди.*

## Акс садо

Бу эътироф, ўз навбатида, Ўзбекистон дунё дипломатиясида ўзига хос ўрин тутишини ҳам англатади. Европа, Осиё бўладими, Марказий Осиёми, барчаси учун Ўзбекистон энг муҳими, ишончли ҳамкор ва стратегик шерик мақомига эга. Бу ҳол “Марказий Осиё — Хитой” саммитида ҳам кўзга яққол ташланди.

Бугун Ўзбекистон томонидан илгари сурилаётган таклифлар, фикр ва ғояларга БМТ, ШҲТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бир қатор халқаро тузилмаларда алоҳида эътибор қаратилмоқда ва улар юзасидан резолюциялар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон минтақа давлатлари орасида ўз сўзига, нуфузига, қатъий позициясига эга экани алоҳида таъкидланмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг Афғонистон борасидаги таклифлари, ташаббуслари, амалий ишлари жаҳон ҳамжамияти томонидан ғоят қадрланмоқда.

Президент нутқидаги эътиборимни тортган яна бир жиҳатни айтиб ўтишни истайман. Бу — халқимиз турмуш даражасини ошириш, қишлоқлар инфраструктурасини яхшилаш борасидаги аниқ таклифлардир. Жумладан, шундай дейилди: “Ишончим комил, аҳоли ҳаёт даражасини ошириш ва ҳудудларни, энг аввало, қишлоқ туманларини ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгиланган қўшма дастурни қабул қилиш ва амалга ошириш халқларимиз томонидан қўллаб-қувватланади ҳамда бу 2030 йилгача бўлган Кун тартибидаги мақсадларга эришиш йўлида умумий ҳиссамиз бўлади”.



Маълумки, бугун нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё энергетика муаммосига дуч келмоқда. Бу масаланинг ечимига бир ҳудуд, бир мамлакат миқёсида эришиш мушкул. Шундан келиб чиқиб, Президентимиз ўз нутқида бу борада ҳам аниқ таклифларни илгари сурди: “Хитойнинг қуёш, шамол ва гидроэнергетика, шунингдек, лойиҳаларни қўллаб-қувватлашнинг молиявий воситалари соҳасида технологик жиҳатдан етакчи эканини ҳисобга олиб, муқобил энергетика бўйича яқин илмий-амалий шерикликни кенгайтириш зарур...”

Экологик муаммолар бугун бир ҳудуд, бир минтақа доирасидан чиқиб кетиб, дунё дардига, кулфатига айланганлигини кўряпмиз. Орол денгизи ҳам нафақат Марказий Осиё, балки бутун Осиёнинг ва дунёнинг глобал экологик муаммосига айланиб улгурган.

Мамлакатимиз Президенти Орол муаммосини, ҳатто БМТ минбаригача олиб чиқди. Ўзбекистон бу борада қўл қовуштириб тургани йўқ. Орол бўйича қисқа вақт ичида улкан лойиҳалар амалга оширилди. Бу жараён изчиллик билан давом этмоқда. Лекин бу муаммога дунёнинг қудратли мамлакатлари эътиборини қаратиш жуда муҳим. Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида ҳам Орол бўйича алоҳида тўхталди: “Оролбўйидаги экологик муаммоларни ҳал этиш, биохилмахилликни ҳимоя қилиш, музликлар ва тупроқ ҳосилдорлигини сақлаш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишда ҳам самарали ҳамкорликка тайёрмиз”.

Ўзбекистон етакчиси минтақадаги тинчлик ва хавфсизликка, таҳдидлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Чунки мамлакатлар мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги айнан мана шу тамойилларга боғлиқ.

Дунё барқарорлиги бугун ҳар қачонгидан муҳим масалага айланганидан кўз юмиб бўлмайди. Мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашиш, ҳудудий яхлитлигига хавф солиш, чегаралар муаммоси ва трансчегаравий дарёлардан биргаликда фойдаланиш борасида пайдо бўлаётган зиддиятларга бефарқ қарамаслик бугун ҳар қачонгидан-да зарур.

Афсуски, уруш оловини ёқишга, турли низоларни келтириб чиқаришга уринишлар ҳамон давом этмоқда. Дунёда юз бераётган урушлар нафақат икки томон, балки бутун минтақа тараққиёти, хавфсизлиги, барқарорлигига реал таҳдид экани айни ҳақиқат.

Ўзбекистон тинчлик бўйича дунё учун намуна бўладиган ишларни амалга ошираётгани халқаро экспертлар томонидан ҳам тан олинмоқда, эътироф этилмоқда.

Президентимиз саммитдаги нутқида иштирокчилар эътиборини яна бир муҳим масалага қаратганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Унда, жумладан, шундай дейилди: “Марказий Осиё давлатлари ва Хитой махсус хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида уч ёвуз куч — наркотрафик, трансчегаравий ва кибер жиноятчиликка қарши курашда яқин ҳамкорликни йўлга қўйишни таклиф этамиз”.

Ўзбекистон томони дипломатия учун жуда муҳим бўлган ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳар иккала томон манфаатларини ҳисобга олиш, оғир вазиятларда кўмаклашиш, халқаро доираларда қўллаб-қувватлаш тамойилларига доимо содиқ қолишини амалда исботлаган.

Ҳар қандай шароитда дўстларга елка тутиш халқимизга хос фазилатдир. Бу анъанага содиқ қолган мамлакатимиз етакчиси саммитдаги нутқида айни шу масалага ҳам тўхталди: “Бизнинг мамлакатларимиз стратегик шерик ва ишончли дўстлардир. Бизнинг ўзаро ишонч, ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш принципларига асосланган кўп йиллик ҳамкорлигимиз ҳеч қачон сиёсий конъюнктураларга боғлиқ бўлмаган. Бугунги халқаро муносабатларда қарама-қаршилик кучайган ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган шароитда ҳам биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаяпмиз ва халқларимиз учун фаровон келажакни биргаликда қуряпмиз”.

“Марказий Осиё — Хитой” саммити бугун дунёга теранроқ қарашимиз кераклигини ва ҳушёрликни оширишимиз зарур эканлигини яна бир марта эслатди, десак, муболаға бўлмайди.

Умуман олганда, “Марказий Осиё — Хитой” саммити мунтазамлик касб этиб, минтақа ривожи ва тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мазкур анжуманнинг самарали натижалари яхши қўшничилик муносабатлари ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг фаровонлигига хизмат қилади.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Самарқанд давлат университети ректори,**
**Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

*Мамлакатимиз халқаро майдонда тинчлик ва ҳамкорликка асосланган прогрессив ташқи сиёсат юритиб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг минтақа ва дунёда тинчлик, хавфсизликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, жуғрофий жойлашуви ва мафкурасидан қатъи назар, барча мамлакатлар билан очиқ, дўстона, прагматик ташқи сиёсати унинг жаҳонда тез ривожланаётган давлат сифатида эътироф этилишини таъминламоқда.*



XXI асрнинг қудратли давлатларидан бири — Хитой Халқ Республикаси билан сиёсий, иқтисодий, савдо, илм-фан ва маданий соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хитой Ўзбекистоннинг вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкорларидан бири бўлиб, халқларимиз ўртасидаги муносабатлар Буюк Ипак йўли тарихи билан чамбарчас боғланган, миллий қадрият ва анъаналаримиз жаҳон маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган, савдо алоқаларимиз дунё аҳлига ўз даврининг ноёб буюмларини тақдим этган. Бугун инсониятнинг кундалик эҳтиёжларига айланган чой, пахта, ипак, қоғоз каби маҳсулотлар уларнинг бир қисми холос.

Шу йил 18-19 май кунлари давлатимиз раҳбарининг Хитой давлатига ташрифи чоғида имзоланган 41 та ҳужжат икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Президентимиз Сиань шаҳрида “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммитида иштирок этиб, минтақавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган муҳим ташаббусларни илгари сурди. Албатта, улар орасидан экология ва атроф-муҳит соҳасига оид ташаббуслар ҳам алоҳида ўрин олган.

Маълумки, биохилмахиллик иқтисодий, эстетик, соғлиқни сақлаш ва маданий фаровонликнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Аммо бугунги кунда бутун дунёда биохилмахиллик камайиб бормоқда. Чунончи, ноёб генлар, турлар ва экологик тизимлар йўқ бўлиб кетяпти. “Марказий Осиё — Хитой” биринчи саммитида Оролбўйининг экологик муаммоларини ҳал этиш, биохилмахилликни ҳимоя қилиш, музликлар ва тупроқни асраш, сув тежовчи технологияларни жорий қилишда самарали ҳамкорлик муҳимлиги айтиб ўтилди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қўшма баёнотни имзоладилар ва 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастури қабул қилинди.

Шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, электрон тижоратни ривожлантириш, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало, автомобилсозлик, “яшил” энергетика, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилма каби соҳаларда илғор лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Умуман олганда, Хитой билан Ўзбекистоннинг серқирра ҳамкорлиги барча соҳаларда юксак самара бераётир. Бундай ҳамкорлик икки мамлакат халқига ҳам фойда келтиради ва улар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Қатъий айтиш мумкинки, Хитой ва Ўзбекистон миллий тараққиёт ва юксалиш йўлида бундан кейин ҳам изчил ҳамкорликни давом эттиради, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг ёрқин, янги саҳифалари очилаверади.

**Муқаддас ТИРКАШЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Марказий сайлов комиссиясида

# САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШГА ДОИР ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

*Марказий сайлов комиссиясининг муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этди.*



Мажлисда округ сайлов комиссиялари тузиш, сайлов ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини ошириш, Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази фаолиятини ташкил этиш, Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 октябрдаги 969-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасини тасдиқлашга доир масалалар кўриб чиқилди.

Авваламбор, мажлисда Сайлов кодексига мувофиқ муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг таркиби тасдиқланди ва қарор қабул қилинди.

Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш тизимини такомиллаштириш, сайловчилар ҳамда сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш Марказий сайлов комиссиясининг муҳим вазифалари сирасига киради.

Қайд этилганларни инобатга олган ҳолда мажлисда муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди.

Мазкур концепцияга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги ва овоз беришда замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича назарий билимлари ҳамда амалий кўникмаларини оширишга қаратилган каскад усулида ўқув-амалий машғулотларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди ва қарор қабул қилинди.

Матбуот маркази округ сайлов комиссиялари ҳузурида ҳудудий филиалларига эга бўлади ҳамда ўз фаолиятини қонунийлик, очиқлик, ошкоралик ва шаффофлик тамойиллари асосида амалга оширади. Муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча жараёнларни ёритишда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан яқиндан ҳамкорлик олиб боради.

Мажлисда кун тартибидаги навбатдаги — Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 25 октябрдаги 969-сон қарори билан тасдиқланган Йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи кўриб чиқилди.

Унга кўра, сайлов комиссияси аъзолари учун назарда тутилган бир марталик компенсация тўловларининг миқдорини ўзгартириш, сайлов жараёнлари учун тақдим этилган товар-моддий қимматликларнинг бут сақланишини таъминлашга қаратилган қоидаларни белгилаш таклиф этилди ва комиссия аъзолари томонидан тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир харажатлар сметаси ҳам тасдиқланди.

Қайд этилганидек, мазкур сметани тасдиқлашда бюджет маблағларининг иқтисод қилинишига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, 2019 йилда вакиллик органлари сайловида Давлат бюджетидан ажратилган умумий маблағларнинг 19,8 фоизи, 2021 йилдаги Президент сайловида 26 фоизи ва жорий йилда бўлиб ўтган референдумда 13,5 фоиз бюджет маблағлари иқтисод қилинган.

Марказий сайлов комиссияси Сайлов кодекси талабларига риоя қилган ҳолда муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сметасини 174 миллиард 130 миллион сўм миқдорида ишлаб чиқди.

Қайд этиш керакки, мазкур маблағ аввалги Президент сайлови учун ажратилган маблағдан 41 фоиз камдир.

Харажатлар сметасига кўра маблағларнинг деярли 82 фоизи округ ва участка сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш учун ажратилмоқда. Ушбу маблағларнинг 76 фоизи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари (аъзоларнинг аксарият қисми ўқитувчи, шифокор, фаол фуқаролар таркибидан шакллантирилган) меҳнати учун тўлаб бериладиган компенсация тўловлари учун сарфланиши учун режалаштирилган.

Харажатлар сметасини шакллантириш жараёнида қонун талабларидан келиб чиқиб, аввалги сиёсий тадбирларда амалга оширилган сарф-харажатларни мақбуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда барча маблағ талаб этиладиган жиҳатлари эътиборга олинган.

**«Халқ сўзи».**

# МУЛОҚОТ МАВЗУСИ — ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

*Ўзбекистон Олий Мажлиси делегацияси Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган "ЕХҲТ минтақасида хавфсизлик, барқарорлик ва мулоқотни мустаҳкамлашда бетараф давлатларнинг роли" мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этди.*

## Конференция

Тадбир Туркманистон парламенти томонидан "Ҳаракатга чақирув — Хелсинки+50" ташаббуси доирасида ЕХҲТ Парламент ассамблеяси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Марказий Осиё, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари парламентлари аъзолари, дипломатлар, илмий доиралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Конференцияда иштирокчилар томонидан сўнгги йилларда геосиёсий кескинлик кучайгани, хавфсизлик соҳасидаги янги таҳдидлар Марказий Осиё давлатлари миллий манфаатларига ҳам дахлдор экани таъкидланди. Айни чоғда, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда бетараф давлатлар роли, уларнинг самарали воситачи сифатидаги салмоқли салоҳиятига эътибор қаратилди. Шунингдек, келгусидаги можароларнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва уларнинг олдини олиш йўлларини ўрганиш, барқарор ривожланишни мустаҳкамлашда ҳамкорлик ва фикр алмашиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари ўз чиқишлари чоғида низоларни ҳал этишда парламент дипломатиясининг ўрни ҳақида тўхталиб, ЕХҲТ ПА сиёсий мулоқот учун муҳим платформа эканлигини таъкидлади. Бундан ташқари, иштирокчиларга Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатларининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича халқаро ташаббуслари, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, Орол денгизи экологик муаммоси билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

ЕХҲТ ПА вакиллари сўнгги йилларда минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатларда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувлари формати алоҳида аҳамият касб этишини қайд этди. Бу эса муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш, икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларига ҳамда янги сиёсий ишонч ва ўзаро англашув муҳитини шакллантиришга имкон беради.

Тадбирда иштирокчилар ЕХҲТ платформалари ва механизмларидан фаол фойдаланган ҳолда, минтақавий даражада конструктив мулоқотни изчил давом эттиришга чақирди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗАРО ФИКР ВА ТАЖРИБА АЛМАШИШ УЧУН ЯГОНА ПЛАТФОРМА ЯРАТИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А. Саидов Ўзбекистоннинг Польшадаги элчихонаси кўмагида 2023 йил 18 май куни Торун шаҳрида "Қарашлар, ўзига хосликлар, жамоалар" мавзуида ҳар йили ўтказиладиган 10-Халқаро Осиё конгрессида фахрий меҳмон сифатида иштирок этди.*

## Халқаро Осиё конгресси

Форумнинг асосий мақсади — Марказий Европа ва Осиё давлатлари дипломатлари, олимлар, экспертлар ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, фикр ва тажриба алмашиш учун платформа яратиш, ушбу ҳудудлар ўртасида турли соҳаларда экспертлар ҳамжамияти ва ишбилармон доира вакилларининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Конгрессда Польша парламенти депутатлари ва сенаторлари, Осиё минтақасининг бир қатор давлатларининг Варшавада аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари ҳамда Куяв-Померания воеводалиги ва Торун шаҳри мэрияси раҳбарлари, вазирлик ва идоралар масъуллари, олимлар, экспертлар, университетлар ректорлари, журналистлар, ишбилармон доира вакилларининг маърузалари тингланди.

Очилиш маросимида сўзга чиққанлар ушбу тадбир кўплаб қизиқарли мунозараларга сабаб бўлишига, натижада илмий жамоатчилик учун муҳим нашрлар пайдо бўлишига ишонч билдирди. Анжуман ишида ҳар йили фаол иштирок этаётган Ўзбекистон, Озарбайжон, Индонезия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Таиланд, Малайзия, Индонезия, Бирлашган Араб Амирликлари вакилларига миннатдорлик билдирилди.

Ўз навбатида, А. Саидов тадбир иштирокчиларига Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, янгиланган Конституциянинг қабул қилиш бўйича 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдуми ҳамда 9 июль куни муддатидан олдин ўтказилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берди.

Шунингдек, Президентимиз бошчилигида мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тўғрисида батафсил маълумотлар тақдим қилинди.

Польша ишбилармон ва расмий доира вакиллари Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва ташқи сиёсатдаги туб ижобий ўзгаришларни юқори баҳолади.

"Маршалек-холдинг" компанияси бошқарув кенгаши раиси А. Маршалек 30 апрель куни Ўзбекистонда ўтказилган умумхалқ референдумида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этганини фахр билан таъкидлар экан, бу тадбир унда чуқур таассурот қолдирганини билдирди. У таълим, маданий-гуманитар, туризм ва нашриёт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини яна бир бор қайд этди. Унинг сўзларига кўра, Ўзбекистон — Польша Марказий Осиё ва Марказий-Шарқий Европанинг асосий ва муҳим давлатлари ҳисобланади. Улар Европа, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида ўзига хос "хаб" вазифасини бажаради.

Польша Ташқи ишлар вазирлиги Осиё ва Тинч Океани департаменти директори Б. Шимановска фикрига кўра, Ўзбекистон давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштиришда чуқур ва изчил ўзгаришларни амалга ошириш бўйича муҳим тажрибага эга бўлганлиги билан ажралиб туради. "Мамлакатни ривожлантиришда янги босқичнинг устувор йўналишлари кенг кўламда амалга оширилиши ижобий натижаларни бермоқда. Ушбу ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этишда Польша томони Ўзбекистон ҳукуматини қўллаб-қувватлашга тайёр. Ишончим комилки, 9 июль куни режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови демократик руҳда ва муваффақиятли ўтказилади", деди у.

Халқаро Осиё конгресси Илмий кенгаши раиси, профессор Ё. Маршалек-Кава Ўзбекистонда амалга оширилган конституциявий ислоҳотлар мамлакат келажаги ва халқ фаровонлиги учун хизмат қилишига ишонч билдирди. Унинг фикрига кўра, айниқса, янгиланган Конституцияда белгиланган таълим соҳасидаги тамойиллар давлатнинг келажаги учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

"Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги таълим ва илмий-академик соҳадаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани бизни бағоят қувонтиради. Жорий йил апрель ойида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилган икки мамлакат олий таълим муассасалари ректорларининг форуми якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Н. Коперник номидаги Торун университети ва Самарқанд давлат университети ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилганидан манфаатдормиз", деди у.

**«Халқ сўзи».**

# КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ ЛОЗИМ

*Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилган камбағалликни қисқартириш бўйича халқаро форум минтақамиз аҳолисининг ҳаётини яхшилаш, дунёда тенгсизликка қарши курашиш борасида самарали мулоқот ўрнатишга хизмат қиладиган муҳим платформа бўла олди.*

## Мушоҳада



Қашшоқлик замонавий жамиятнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон миқёсида миллионлаб одамларнинг саломатлиги, таълими ва келажагига таҳдид соладиган бу муаммони қисқартириш учун биз кўпроқ мулоқот қилиш, бу муаммодан халос бўлишга ёрдам берадиган стратегияларни ишлаб чиқишимиз керак.

Шу мақсадда ўтказилган халқаро форумда дунёнинг турли мамлакатларидан илмий экспертлар, ҳукумат аъзолари, бизнес вакиллари ва жамоат арбоблари жамланди. Биргаликда қашшоқлик билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилиниб, уни бартараф этиш йўллари изланди.

Иштирокчилар ривожланаётган мамлакатларда тўпланган тажрибани янада оммалаштириш баробарида Ўзбекистоннинг камбағалликка қарши чора-тадбирларини амалга оширишда эришган ютуқлари, услублари ва натижаларини, жумладан, уларнинг самарадорлигини кўриб чиқишди ва муносиб даражада эътироф этишди.

Қайд этиш керакки, аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларга муносиб иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли ислоҳотларнинг самарасини бугун халқимиз ўз ҳаёти мисолида ҳис қилмоқда. Ўтган бир йилда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга пасайиб, 1 миллион фуқаро камбағалликдан чиқарилгани ҳам узоқни кўзлаган сиёсатимизнинг натижасидир.

Маҳаллаларда ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш орқали мамлакатимиздаги 2 миллион 300 мингдан зиёд муҳтож оилалар, хотин-қизлар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий ҳимоя билан тўлиқ қамраб олинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан II халқаро форум иштирокчиларига йўлланган мурожаатда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида устувор вазифалар белгиланди ва бу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бошланган кенг кўламли ишларимизни янги босқичга олиб чиқиши, шубҳасиз.

Президентимиз табригида камбағалликни қисқартириш мақсадида хусусий сектор ва тадбиркорлик учун энг қулай шароитларни яратиб беришдан тортиб, то инсон капиталини ривожлантиришгача бўлган вазифалар бирма-бир санаб ўтилди.

Айниқса, ишсиз фуқароларни ўқитиш ва ишга жойлаш ташаббусини билдирган фаол тадбиркорларга "ижтимоий контракт" тизими асосида қўшимча имтиёзлар пакети тақдим этилиши билан боғлиқ ташаббус алоҳида эътиборга молик. Бундай "ноу-хау" механизм бир пайтнинг ўзида ҳам иш берувчи, ҳам ишчиларнинг манфаатига тўла мос келиши билан аҳамиятлидир.

Камбағалликни камайтириш учун, энг аввало, одамларда тадбиркорлик руҳини уйғотиш, бизнес вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга эркин фаолият юритишларига зарур шароитлар, қулайликлар ва имкониятлар яратишда давом этишимиз керак. Бу борада биз, депутатлар олдида ҳам устувор вазифалар турибди. Энг аввало, камбағалликни қисқартириш борасида олиб борилаётган ишлар устидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатиб, ҳудудларда ёшларнинг ҳаёт тарзини, бандлик даражасини доимий ўрганиб боришимиз лозим.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғишларида тармоқлар ва ҳудудлар кесимида янги иш ўринларини яратишни таъминлаш бўйича кўрилаётган чораларни мунтазам эшитиб бориш ва таҳлил асосида соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ишларини олиб борамиз. Зеро, ҳар бир фуқаро қонуний ҳуқуқи бўлган барча имкониятлардан тенг ва кераклича фойдаланиши зарур.

Халқаро форум бутун дунёда қашшоқликка қарши курашишга хизмат қилувчи муҳим майдон вазифасини ўтайди. Шу нуқтаи назардан, ҳамма учун тенг имкониятларни таъминлаш, янада адолатли жамият яратиш йўлида барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак.

**Одилжон ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

# ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан Ёшлар масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда "Янгиланган Конституция — ортга қайтмас ислоҳотларнинг ҳуқуқий кафолати" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

## Давра суҳбати

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Ёшлар масалалари бўйича комиссия аъзолари, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Конституциямиздаги ижтимоий соҳа, айниқса, ёшларга оид муҳим ўзгариш ва янгиликлар ҳақида кенгроқ маълумотлар берилди. Конституция давлат ва жамият, фуқаро ўртасида тузилган муҳим шартнома эканлиги, бу шартнома икки томон талабларига мос ва манфаатли бўлиши кераклиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилиниб, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортди. Масалан, ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, одамларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширишга хизмат қилади.

Бош қомусимизда ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи қоидалар ҳам янада такомиллаштирилди. Жумладан, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит яратиши, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашиши, зарур ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлаши мустаҳкамланди.

Шунингдек, янгиланган Конституцияда ҳар ким ишсизликда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилди. Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди.

Бу ҳозирнинг ўзида 2 миллион 200 минг эҳтиёжманд оилалар давлатдан кафолатли моддий ёрдам олади, дегани. Бу — жами оилаларнинг 25 фоизига тўғри келадики, айни харажатлар учун ҳар йили 11 триллион сўм ажратилади.

Тадбирда депутатлар Бош қомусимизда оила, болалар ва ёшлар учун алоҳида боб ажратилганлигини, давлат ёшларда қадриятларимизга содиқлик, ватанпарварлик туйғуларининг шаклланишига ғамхўрлик қилиши белгиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилди. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олмоқдаки, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун муҳимдир.

Сўз олганлар янги таҳрирдаги Конституцияда олий таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани, жумладан, олий таълим муассасалари мустақиллиги, академик ва молиявий мустақиллик, уларнинг ўқув дастурларини белгилаш масалалари, фуқароларимиз танлов асосида давлат ҳисобидан таълим олиши мумкинлиги тўғридан-тўғри белгилаб қўйилганини мамнуният билан қайд этди. Ушбу моддаларнинг киритилгани келгусида таълим сифатини янада оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбир якунида Президентимизнинг "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, янгиланган Конституциямиздаги нормалардан келиб чиққан ҳолда, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича олдинда турган вазифалар белгилаб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЁШЛАРГА ОИД ҚОНУНЛАР ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

*Олий Мажлис Сенати томонидан Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Ёшлар парламенти аъзолари иштирокида ёшларга оид қонунларни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ тарзда қайта кўриб чиқиш ва тегишли таклифлар тайёрлашга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.*

## Тадбир

Унда сенатор ва депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонунни қисқа фурсатда қайта кўриб чиқиш лозимлиги ҳамда ушбу жараёнда Ёшлар парламенти аъзолари фаоллик кўрсатиши зарурлиги таъкидланди.

Ушбу қонун 2016 йилда қабул қилинган бўлиб, мамлакатимизда олиб борилган кенг кўламли маъмурий ислоҳотлар, соҳада кун сайин бўлаётган янгиликлар, ёшлар дунёқарашининг ўзгариши уни янги нормалар билан бойитишни тақозо этмоқда.

Янги таҳрирда тайёрланадиган қонун ёшларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдиган, манфаатларини ҳимоя қиладиган, хоҳиш-истакларини рўёбга чиқарадиган ҳамда ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган ҳужжат бўлиб хизмат қилиши лозимлиги қайд этилди.

Давра суҳбатида маърузачилар томонидан Ёшлар парламентининг ҳар бир аъзоси қонунни ёшлар иштирокида муҳокама қилиши, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиши ҳамда билдирилган таклифларни умумлаштириб, тегишли мутасаддиларга тақдим этиши, бу жараённи интернет имкониятидан самарали фойдаланган ҳолда, тезкорлик билан амалга ошириш юзасидан тавсиялар берилди.

Шунингдек, ушбу қонунни кўриб чиқишда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи вазирлик ва идоралар ваколатларига, бу жараёнда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари иштирокига, ёшларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатларига алоҳида эътибор қаратиш юзасидан таклифлар илгари сурилди.

Тадбирда Ёшлар парламенти аъзолари қонун ижодкорлиги жараёнида фаол иштирок этиши, яратилаётган имкониятдан унумли фойдаланиши, шунингдек, навқирон авлод манфаатига хизмат қиладиган ҳар бир қонунда ёшларнинг таклифлари акс этиши юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

# САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА

*Шу йилнинг 29 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган мамлакатимизда туризм салоҳиятини ошириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселекторда юртимизда сайёҳлар оқимини кўпайтириш, бу соҳадаги инфратузилма объектларини модернизациялаш каби устувор масалаларда қатор истиқболли вазифалар белгилаб берилди.*

## Нуқтаи назар



Йиғилишда масалага, аввало, инсон қадри учун тамойили асосида қаралиб, сайёҳлар учун биринчи галда ишончли, замонавий ва қулай ҳаво учоқлари ҳозирлаш, инфратузилмалар энг сўнгги технологиялар билан жиҳозланиши ва маданий ҳордиқ чиқариш учун шарт-шароит яратиш лозимлигига урғу берилди.

Президентимиз узоқ хорижликлар учун Ўзбекистоннинг дарвозаси, бу — аэропорт эканини таъкидлаб, ўтган олти йилда мамлакатимизда 5 та янги хусусий авиакомпания ташкил қилинганини, авиация парклари 44 тага етказилганини қайд этди. Ўтган йилдан Самарқанд аэропорти "бешинчи осмон" режимига ўтгани ҳисобига ҳафталик авиақатновлар сони 46 тадан 78 тага, йўловчи оқими эса 6,5 минг нафардан 10 мингтага кўпайган.

Ўз навбатида, видеоселекторда юртимизда туризм инфратузилмаларини ривожлантириш учун катта имкониятлар борлиги, шунга қарамай сайёҳлар оқими камлиги, туристларни 4-5 кун олиб қоладиган инфратузилмалар етишмаслиги танқидий баҳоланди. Самолёт ва поездларга чипталарни бир неча ой олдин сотиб олиш борасида муаммолар кўплигига урғу берилди.

Бугунги кунда давлат томонидан туризм инфратузилмаларини жадал ривожлантириш, янгидан-янги иш ўринлари яратишда Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2022 — 2026 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилингани ҳудудда соҳани жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Ушбу ҳужжат ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси, айниқса, Мўйноқ ва бошқа туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва туризм салоҳиятини тарғиб қилувчи матнлар, видео материаллар қорақалпоқ, ўзбек, рус ва инглиз тилларида мунтазам халқаро туристик объектларга тарқатилмоқда. Бундан ташқари, Оролбўйи минтақасининг ижтимоий ва маданий-маърифий салоҳиятини янада ошириш бўйича "Орол орзуси" дастури доирасидаги ишлар янада жадал йўлга қўйилмоқда.

Элликқалъа туманидаги "Шарқ юлдузи" овул фуқаролари йиғинининг "Ақчакўл" ҳудудида туристик дам олиш масканлари, савдо-кўнгилочар хизматлари ташкил этилмоқда. Бу жараёнда Оролбўйи муаммолари, уларни бартараф этиш ҳамда минтақада туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга илмий-амалий ёндашилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Тошкент давлат иқтисодиёт университети томонидан видеоселекторда белгиланган муҳим вазифалар ижроси юзасидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, белгиланган дастурлар ижросини таъминлаш юзасидан айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида тарихий қадамжолар, объектларни ривожлантириш ўрганилмоқда.

Яқинда Хўжайли тумани ҳокими Женгис Ермашев ҳамроҳлигида қадимий Миздакхон археологик иншоотлар мажмуасида бўлиб, бу ерда ташкил қилиш мумкин бўлган туризм имкониятлари билан танишдик.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, Миздакхон археологик мажмуаси Қорақалпоғистоннинг Хўжайли шаҳридан унча узоқ бўлмаган қадимий иншоотлардан бири саналиб, у 200 гектар майдонга эга. Ҳудудида 9 — 12 асрларда қурилган иккита қалъа бор. Мажмуа 14 асрга оид, учта тепаликда жойлашган. Унинг таркибига Қриқ Шопан, Назлимхон Сулу ва Ҳалфа Ережеп мақбаралари киради. Олимлар бу мажмуа зардуштийлик мифологияси билан боғлиқ, деган хулосага ҳам келган. Мажмуада еттита ғиштин устун мавжуд. Маҳаллий афсонага кўра, бу устунларнинг ҳар бири Ернинг мавжудлиги ва етти иқлим билан алоқаларни англатади. Ўзининг сирли афсоналари билан бугунги кунда Миздакхон археологик мажмуаси Ўзбекистоннинг сайёҳлар энг кўп ташриф буюрадиган диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тузилган Қорақалпоғистон Республикасида барча соҳаларни жадал ривожлантириш бўйича келгуси уч йилга мўлжалланган чора-тадбирларга кўра, ҳар бир туман 2 тадан сайёҳлик "ўсиш нуқта"сини шакллантирмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар мажмуаларни ободонлаштириб, янги қиёфа бахш этади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, соҳалар кундан-кунга тараққий этиб бормоқда. Шу боис сайёҳларнинг қизиқишини ошириш учун анъанавий таклифларнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун инновацион дастурлар ва тарғиботлар амалга ошириш долзарбдир. Бу жараёнга кўмаклашиш учун 11 олий таълим муассасаси белгиланди.

Мазкур ишчи гуруҳнинг вазифаси мамлакатимизда, хусусан, Қорақалпоғистондаги 31 туман ва 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ҳамда диққатга сазовор жойлари ҳақида маълумотлар мажмуини яратишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, қисқа муддатда 12 та тилда туристик пакетлар ишлаб чиқилиши, туризм ва сервис объектлари ишчилари шу йўналишда ўқитилиши юзасидан қизғин ишлар олиб борилмоқда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Олий таълим муассасамиз туризм йўналишида кадрлар тайёрлаш билан бирга, туманларни ўрганиш бўйича профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва талабалардан иборат ташкил этилган ишчи гуруҳда фаоллик кўрсатмоқда. Мазкур ишчи гуруҳ туманлар кесимида йўл инфратузилмаси ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, маданий ёдгорликларда туризм йўналишларига доир турлар ташкил этиш, санитария-гигиена талабларини назорат қилиш, муҳим ва ноёб объектларни эҳтиёжга қараб реконструкциялаш бўйича таклифлар тайёрлайди. Халқаро стандартларга таомномаларни тақдим этадиган овқатланиш масканларини барпо этишга кўмаклашади.

Женгис Ермашевнинг маълум қилишича, бугунги кунда Миздакхон археологик мажмуасига йилига 2 минг нафар сайёҳ ташриф буюради. Аммо 10 дан зиёд мақбаралар мавжуд бўлган тарихий қадамжо учун янада кўпроқ сайёҳларни жалб этиш имконияти бор. Бунинг учун бир қанча муаммо ва таклифлар инобатга олинган ҳолда Давлат дастури лойиҳасига киритилган ва ишлар тез суръатларда бошланган. Хусусан, Миздакхон мақбараси базасида ноёб тарихий-археологик парк барпо этилмоқда. Бу мажмуа И. В. Савицкий номидаги давлат санъат музейининг таркибий бўлинмасига айланади. Миздакхон қадимий ёдгорликлари мажмуасини тарғиб қилиш, ўрганиш ва сақлаш учун музей масъул бўлади. Бу ерда аҳоли пунктининг пайдо бўлиши милоддан аввалги IV асрга тўғри келиши, қалъанинг ўн метрли деворлари сайёҳларни ҳайратда қолдиради. Бу деворлар қолдиғи қадимий шаҳардаги иккита иншоот харобаларини ҳамон ҳимоя қилиб келмоқда. Археологлар фикрига кўра, харобалардан бири сарой биноси бўлса, иккинчиси, олов ибодатхонаси вазифасини бажарган. Бундай умрбоқий обидалар қолдиқлари сайёҳларни тарихий муҳитга олиб кириши ва афсоналарга бойлиги билан ўзига жалб қилади.

Қорақалпоғистон Республикасида ана шу улкан ташаббусларни ҳаётга самарали татбиқ қилиш учун қадимий туманлар тарихи, табиий-экологик салоҳияти бўйича гид-экскурсоводлар тайёрловчи тренинг-курслар йўлга қўйилмоқда. Маҳаллабай ишлаш тизими асосида туризм объектларининг контентини яратиш, халқаро туроператорлар билан шартномалар тузиш ҳамда туманлардаги туристик маршрутларни Марказий Осиё халқаро туристик маршрутларига киритиш каби вазифалар ҳам белгиланган. Маҳаллий ва халқаро кўргазмалар ҳамда тақдимотлар ўтказиш орқали сайёҳларни жалб қилишга етарли тайёргарлик кўрилмоқда.

Университетимизнинг Халқаро туризм факультети қорақалпоқ маданиятини тарғиб қилиш мақсадида "Ўтов" шаклидаги лаборатория комплексини ишга туширишни ҳам режалаштирган. Ундан Оққўрғон, Хўжайли, Элликқалъа, Тахтакўпир ва бошқа туманлардаги туризм объектларига оид маълумотлар жой олади. Ҳозирда ушбу туманлар туристик салоҳиятини тарғиб қилишни жадаллаштириш мақсадида Австрия, Германия, Франция, Буюк Британия ва Россиядаги ҳамкорлар билан интеграцион алоқалар йўлга қўйилган.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, ишбилармонлик, саноат ва туризм соҳаларидаги ислоҳотларда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг, айниқса, унинг Тўрткўл филиалида тайёрланаётган кадрлар ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Зеро, малакали кадрлар мазкур инфратузилмаларни юксак салоҳият билан бошқаришига, қадриятларимизни кенг тарғиб қилишга, инновацион тизимлаштириш ва сайёҳлар оқимини кўпайтиришга, аҳолини доимий ва мавсумий иш ўринлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшишига ишонамиз.

**Қўнғиротбой ШАРИПОВ,**
**Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.**

# ФАОЛ МАҲАЛЛА, ФАОЛ ЖАМИЯТ

*Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти — маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг муаммоларини маҳалладан туриб ҳал қилишдек ноёб жамият бошқаруви тузилмаси барпо этилдики, бу жамиятнинг фаоллашуви, аҳолининг жипслашувига олиб келди.*

## Мулоҳаза

Айниқса, ўтган қисқа даврда аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича “маҳалла — сектор — Халқ қабулхонаси — маҳалла” тамойили асосида самарали ҳамкорлик тизимини жорий этиш, маҳалланинг халқ билан давлат ўртасида ишончли кўприк бўлишини амалда таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирлар қўлланди.

Президентимизнинг 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони маҳалланинг жамият бошқарувидаги ўрни ва фаолияти самарадорлигини янада оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Унда белгиланган вазифаларнинг уддаланиши фуқаролар йиғинларининг уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини аниқлаб, оғирини енгил қилиш борасида давлат идоралари, шу жумладан, Халқ қабулхоналари ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлигини кучайтиришда муҳим ўрин тутди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эса бу борадаги ишларни бутунлай янги босқичга олиб чиқди, десак, айни ҳақиқат.

Ушбу ҳужжат билан ҳар бир маҳаллада “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган 6 та муҳим йўналишни назарда тутувчи янги тизим жорий этилди. Натижада жамиятнинг бетакрор ижтимоий тузилмаси ҳисобланадиган маҳалла институти аҳолининг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантирилди, унинг роли ва аҳамияти ошди. Маҳалла институтининг ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари билан узлуксиз, тизимли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раисига қўшимча ҳуқуқлар берилди. Яратилган ушбу қулайликлар натижасида 2021 йилда ҳар бир вилоят, туман (шаҳар) ҳамда 9 277 та фуқаролар йиғинининг ўзига хос муаммоларидан келиб чиқиб, “Йўл хариталари” ишлаб чиқилди.

Аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида сўнгги икки йилда юздан ортиқ янги маҳаллалар ташкил этилди.

Яна бир гап. Ўтган — Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили маҳаллаларда аҳолини рози қилиш, уларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишда барча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда маҳаллий ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлди.

Аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда жойида ҳал этиш мақсадида барча маҳаллаларда сайёр қабуллар ўтказилиб, 24 минг 930 нафар фуқаронинг муаммолари ҳал этилди. Маҳалла раислари томонидан 1 823 625 та хонадон, хусусан, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ҳамда “ёшлар дафтари”га киритилган оилалар, хотин-қизлар ва ёшлар муаммолари ўрганилди.

Ушбу йилда маҳалла раислари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари муҳокамаларига аҳолининг 2 677 та муаммоси бўйича тақдимномалар киритилди. Маҳаллаларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича 76 396 та эҳтиёж мавжудлиги аниқланиб, 56 минг 887 нафар фуқаро томонидан тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди.

Президентимизнинг тегишли Фармони билан жорий этилган “фаол маҳалла модели” тизими шаклланди ва шу асосда 9 406 та маҳаллада “бешлик” — маҳалла раиси, шунингдек, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори лавозимлари жорий этилди.

Маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларнинг дардини эшитадиган, муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашадиган тузилма — “Аёллар маслаҳат кенгашлари” фаолияти йўлга қўйилди. Хотин-қизларга олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида қабул кўрсаткичлари доирасида танловда иштирок этишлари учун тавсияномалар берилди, шундан 2 минг 30 нафари олий таълим муассасаларига грант асосида талабаликка қабул қилинди.

Шу билан бирга, маҳаллаларда жиноятчилик ҳолатини баҳолаш бўйича янгича тартиб жорий этилди. Жиноятчиликни жиловлашда аҳолининг кам таъминланган, якка-ёлғиз, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор ҳамда доимий меҳнат билан банд бўлмаган қатламлари билан ишлашда “ижтимоий профилактика” тизими йўлга қўйилди. Амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида 2022 йилда мавжуд 9 мингдан ошиқ маҳаллаларнинг 3100 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади, 1216 тасида жиноятчилик камайишига эришилди.

Соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, моддий-техника таъминотини яхшилаш бўйича қилинган ишлар салмоғи ҳам катта.

Жумладан, 2022-2023 йилларда рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган. Унда телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда малакали мутахассислар билан таъминлаш, рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” йўналишида лойиҳалар ва тадбирларни амалга ошириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифалари белгиланган.

Ушбу вазифаларни бажариш мақсадида давлат ва ижтимоий хизматларни маҳалладан туриб кўрсатишни йўлга қўйиш, маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат этиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилди. Шунингдек, “Ижтимоий маҳалла” ахборот тизими доирасида маҳаллалардаги шарт-шароитлар, инфратузилма ва объектлар аҳволи, қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларининг бориши, экологик вазият ва бошқа масалаларни фуқаролар томонидан виртуал мониторинг қилиш амалиётини жорий этиш ишлари йўлга қўйилмоқда.

Маҳаллаларнинг ягона реестри шакллантирилиб, ҳар бир маҳаллага ID рақами бириктирилди. Маҳаллаларнинг ягона идентификатори ҳамда классификаторлари “Электрон ҳукумат”нинг “Маълумотномалар ва классификаторлар регистри”-га (cs.egov.uz) жойлаштирилди.

Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари асосида яратилган имкониятлар натижасида биргина 2022 йилда 834 та маҳалла биноси қурилди, 114 таси реконструкция қилинди, 694 таси жорий таъмирланди, 209 таси капитал таъминланди, 598 тасида қурилиш ишлари давом этмоқда.

**Зарур чора-тадбирлар доирасида:**

— 4422 та маҳалла фуқаролар йиғини биноларининг кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди;

— 4945 та фуқаро йиғини компьютер техникаси ва 4814 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди;

— 9 406 та маҳалланинг 9 368 таси интернетга уланди, 38 тасини интернет тармоғига улаш ишлари олиб борилмоқда;

— маҳаллалар фаолият юритаётган ва жойлашган биноларнинг “Маҳалла бино” паспортлари шакллантирилди.

Қисқача айтганда, соҳада амалга оширилаётган ишлар фуқаролик жамиятининг энг муҳим институти — маҳалла тизимини янада жонлантириш, аҳолининг муаммоларини маҳалладан туриб ҳал қилиш тизимини янада мустаҳкамлайди. Жамиятнинг янада фаоллашувига, аҳолининг жипслашувига олиб келади.

**Шоира УМАРОВА,**
**юридик фанлар номзоди.**

---

**Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сарвар Азимов таваллудининг 100 йиллигига**

# ТЕНГҚУРЛАРИНИНГ САРВАРИ



*Бугун Ўзбекистон халқ ёзувчиси, давлат ва жамоат арбоби, филология фанлари доктори Сарвар Азимов таваллудига 100 йил тўлди.*

*Ижодкор “Қонли сароб”, “Оппоқ тонг қўшиғи”, “Юлдузлар жамоли” асарлари ва адабиётшуносликка доир илмий-назарий китоблари, Ёзувчилар уюшмаси раиси сифатидаги сермаҳсул фаолияти билан миллий адабиётимизда ўзига хос ўрин тутади.*

*Қуйида Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг ёзувчи Сарвар Азимов ҳақидаги хотираларидан парчалар эълон қилишни лозим топдик.*

Сарвар Азимовни онаси тенгқурларининг сарвари бўлмоғи учун туққан бўлса керак. Унинг бутун вужудидан салобат ёғилиб турарди. Абдулла Қаҳҳорнинг бир ҳазил ибораси билан айтсак, бетининг ярми кўздан иборат. Бу кўзлар нафақат чиройли, тимқора, шаҳло кўзлар эди, айни чоғда улардан шундай шижоат ва ирода ёғилиб турардики, агар Сарвар ака астойдил тикилиб қараса, бу нигоҳ қаршисида ҳар қандай одам ҳам довдираб қолиши ҳеч гап эмасди.

Сарвар Азимов умри давомида ҳар хил масъулиятли лавозимларда ишлади ва қаерда ишламасин, ўзининг раҳбарлик санъатида ноёб хислатларга эга эканини намойиш қилди. Унинг ташкилотчилик қобилияти ҳам жуда зўр эди. Сарвар Азимов талабчан, бир сўзли, қаттиққўл одам бўлган. Теварагида ҳамиша қатъий тартиб бўлишини, ҳамма ишлар саришта бўлмоғини талаб қилган. Айни чоғда, у одамларга яхшилик қилишни ҳаётининг асосий шиори қилиб олган эди. Ҳар ҳолда, мен уни таниган ва билган одамлардан Сарвар ака тўғрисида шикоятомуз гаплар эшитмаганман. Тўғри, баъзи бир ёзувчилар билан унинг ўртасида анча кескин баҳслар бўлганидан, унинг юзига қаттиқ-қаттиқ гаплар айтилганидан хабарим бор. Лекин булар ўткинчи гаплар эди. Яхлит олганда эса у ўз фаолияти билан янги ўзбек адабиёти тарихида чуқур из қолдирди. Ана шу ҳар томонлама тўкис, иқтидорли ва истеъдодли инсоннинг умр йўлини ўйласам, бир нарсага ҳайрон қоламан, ҳатто шундай одамнинг ҳаёти ҳам фақат ғалабалардан, кўтарилишлардан иборат бўлган эмас, муайян ишлари, муайян хизматлари учун у мукофотлар ҳам олган, албатта, лекин одамларнинг бир оғиз мададига муҳтож бўлган кезларда, уларнинг биронтасидан уни ёқловчи сўз эшита олмай, изтиробга ҳам тушган.

Ҳаёт деганлари ана шунақа норасо, нотекис, баланд-паст, адолат ва адолатсизлик, ҳақиқат ва ёлғон тўхтовсиз бир-бирини алмаштириб турадиган жараён бўлар экан...

Мен Сарвар ака билан кейинроқ — 1952 йилда Москвада танишгандим. У Тил ва адабиёт институтида ишлар эди. Ўша пайтда кўп йиллардан бери мактабларда ўзбек адабиёти тайинли дастурсиз ва ҳеч қандай дарсликсиз ўқитилар эди. Ўқитувчиларнинг умри материал қидириш билан ўтарди. Қаердаки адабиёт тўғрисида, ёзувчи ҳақида шапалоқдек материал чиққан бўлса, уни қидириб топиб, чатиб-ямаб олақуроқ ҳолга келтиришар ва ҳар ким ўзбек адабиётини ўзи билганича ўқитарди. Афтидан, мактаблар учун стабил дастур ва дарсликлар яратиш ишини уюштириш Сарвар Азимовга топширилган бўлса керак — у дастурлар лойиҳасини яратди ва уларни бир неча марталаб муҳокамалардан ўтказди, елиб-югуриб муаллифлар жамоасини тузди. Икки-уч йил ўтмай, ўрта мактаб учун учта дарслик босилиб чиқди. Улар қора муқоваларда босилган қалин-қалин китоблар эди. Уларда адабиёт тарихи ва замонавий адабиёт шунақа батафсил баён қилинган эдики, бу дарсликлардан тез орада олий ўқув юртларининг талабалари ҳам фойдалана бошлаганди. Тўғри, дарсликлар бекаму кўст эмасди, уларда, айниқса, адабиётга социологизм нуқтаи назаридан ёндашиш устун турар, эстетик таҳлил, адабиёт нафосатини очиш ўлда-жўлда эди. Бироқ бунинг учун муаллифларни ҳам, уларга раҳбарлик қилган Сарвар Азимовни ҳам айблаб бўлмайди, чунки адабиётшуносликнинг ўзи ҳали тетапоя даврини бошидан кечирмоқда, унинг методологик асослари эндигина шаклланиб келмоқда эди. Бу илк дарсликлар ҳар қанча камчиликларга қарамай, кейинчалик анча бақувват ва баркамол дарсликларнинг вужудга келиши учун замин бўлиб хизмат қилди...

Сарвар ака кўринишидан хийла мутакаббир ва калондимоғ одамга ўхшаб кетарди, лекин аслида одамларга хайрихоҳ, қўлидан келса, яхшилигини аямайдиган инсон эди. Ўқишни битириб, Тошкентга қайтишим билан мен бунга амин бўлдим. Мени дорилфунунга ишга таклиф қилишди. Аммо у ерда ишга ўрнашишим учун Маориф вазирлигидан рухсатнома керак экан.

Вазир муовини мени дағдаға билан кутиб олди:

— Қаёқларда юрибсиз. Саккиз ойдан бери қидирамиз. Сиз тақсимот бўйича Қарши институтига бориб, икки йил ишлаб келишингиз керак. Ҳеч қанақа рухсатнома ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Мен тақсимот менсиз ўтказилгани ва мен, умуман, Маориф вазирлигининг пулига эмас, Фанлар академияси маблағига ўқиганимни, шунинг учун вазирлик олдида ўзимни бурчли деб ҳисобламаслигимни айтдим. Эътирозларим муовинга кор қилмади. Унинг олдидан тарвузим қўлтиғимдан тушиб, бўшашиб чиқдим. Эртасига Сарвар аканинг олдига бордим. У энди партия Марказқўмида фан, ўқув юртлари ва мактаблар бўлимининг мудири бўлиб ишларди. У мени дарров қабул қилди, очиқ чеҳра билан ҳол-аҳвол суриштирди, ҳимоя қилганим билан қутлади. Кейин нима мақсадда келганимни сўради. Мен бўлган гапларни айтдим, дорилфунунда ишлаш хоҳишим борлигини гапирдим. Гапларимни эшитиб, Сарвар ака мийиғида кулди-да:

— Сиз эртага вазирликка бориб учранг, масалангиз ҳал бўлади, — деди.

Эртасига бордим. Вазир муовини бутунлай бошқача кайфиятда кутиб олди. Аввалги димоғдорликдан асар ҳам йўқ. Фақатгина оҳангида менга танбеҳ берди:

— Дарров катта жойга борибсиз-да... Дардингизни ўзимга айтсангиз ҳам бўларди-ку! Мана, рухсатнома — тайёрлаб қўйганман.

Мен нима деб жавоб беришимни билмай, “раҳмат” дедим-да, кабинетдан чиқдим.

Шундан сўнг, 1955 йилнинг сентябридан мен ўзим ўқиган дорилфунунда дарс бера бошладим ва бу ерда роса қирқ бир йил меҳнат қилдим.

Сарвар Азимов 1956-1957 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди. Менимча, бу лавозимда унинг раҳбарлик қобилияти янада очилди. Аввало, айтиш керакки, айни шу йилларда ижодий муҳит анча мураккаб эди. Шундай муаммолар мавжуд эдики, уларни ечмоқ учун раҳбар одам ҳар томонлама балоғатга етган бўлиши талаб қилинарди. 1956 йилда партиянинг XX съезди бўлди ва унда Сталин шахсига сиғиниш кескин танқид қилинди. Бу эса одамларнинг қарашларини ва тафаккурларини алғов-далғов қилиб юборди. Шахсга сиғинишнинг фош қилиниши одамлар онгида ўзига хос инқилоб ясади. Буни идрок этиш, одамлар ўртасидаги ғоявий саросималикка барҳам бериб, уларнинг тушунчаларини тўғри изга солиб юбориш керак эди. Бундан ташқари, сургунлардан, қамоқлардан омон қолган одамлар қайтиб кела бошлади. Уларнинг орасида анчамунча ўзбек ёзувчилари ҳам бор эди — уларни кутиб олиш, турмушларини йўлга тушириб юбориш, дардларини эшитиб, яраларига малҳам бўлиш керак эди. Айни чоғда уларнинг ижоди учун ҳам зарур бўлган моддий ва маънавий шароитни яратмоқ лозим эди. Буларнинг бари фавқулодда қийин вазифа — у сабр-бардошни, жабрдийдаларнинг дардини тўғри ва теран англаш қобилиятини талаб қиларди. Иккинчидан эса 1957 йил — Тошкентда ўтадиган Осиё ва Африка ёзувчиларининг Биринчи конференциясига тайёргарчилик йили эди. Бу соҳада ҳам қисқа муддатда ҳаддан ташқари кўп ишни амалга оширмоқ керак эди. Ўнлаб мамлакатларга, юзлаб ижодий ташкилотлар билан алоқа боғлаб, хизмат сафарларига бориб, атоқли ёзувчиларнинг конференция ишида қатнашишга розилигини олмоқ, уларнинг кўзига сирли ва қўрқинчли кўринадиган, кўплари “ёвузлик салтанати” деб қарайдиган бир ўлкага келмоққа кўндириш керак эди. Ва яна юзлаб Африка ва Осиё ёзувчиларининг асарларини ўзбек тилига ўгириб, нашр этмоқ зарур эди. Масаланинг яна ўнлаб жиҳатларини айтиб ўтирмайман. Булар бир йилда бажариб бўладиган ишлар эмас эди. Буларни бажариш мутасаддилардан фавқулодда ташкилотчилик қобилиятини талаб қиларди. Бу иш бажарилди, конференция Тошкентда муваффақият билан ўтди ва мамлакатнинг ижтимоий-адабий ҳаётида унутилмас из қолдирди. Бу ишларда Сарвар Азимов ҳам катта роль ўйнаган раҳбарлардан бири бўлди...

* * *

...Сарвар Азимов масъулиятли давлат ишларида хизмат қилиш билан бирга ижодий ишларини бир зум ҳам тўхтатгани йўқ. У мақолалар ва йирик илмий тадқиқотлар яратишда давом этди, докторлик диссертациясини ҳимоя қилди, кейин қиссалар, ҳикоялар, киносценарийлар ёзди ва драма бобида ҳам кучини синаб кўрди. 80-йиллар охирига келганда унинг икки жилдли сайланмаси нашр қилинди. Бу сайланма унинг адабиётимизга қўшган ўзига хос ҳиссаси бўлди...

Мен Сарвар аканинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолиятини батафсил баён қилиб беришни мақсад қилиб олганим йўқ. Лекин унинг фаолиятини яна бир қирраси борки, бу тўғрида гапирмаса, унинг сиймосини тўла тасаввур қилиш қийин. Бу — унинг халқаро кўламдаги фаолиятидир. У қисқа муддатда Осиё ва Африка халқлари адабий ҳаракатининг пешқадам намояндаларидан бири даражасига кўтарилди, бир неча марта Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар минбаридан долзарб мавзуларда нутқлар сўзлади ва ўн йил мобайнида аввал Лубнонда, кейин Покистонда элчи бўлди...

80-йилларнинг бошида у Тошкентга қайтди ва ...Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасига ишга келди.

* * *

Сарвар Азимов қаерда ишламасин, қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, ҳамма жойда сидқидилдан ғайрат билан ишлаган. Бу тоифадаги одамлар, умуман, ёмон ишлашни, “мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабилида меҳнат қилишни билмайди. Лекин шундай бўлса-да, назаримда, Ёзувчилар уюшмаси унинг кўнглидаги энг орзу қилган жойи. “Бир жонимни эмас, агар ўн жоним бўлгандаям шундоқ бамаъни ишлар йўлига тикиш, ... адабиёт ва санъат камолотига хайрли ҳисса қўшишга ҳаракат қилиш — менинг эзгу мақсадим” деб ёзган эди Сарвар Азимов. Болалик чоғлариданоқ аввал бобоси Азим гувурнинг саъй-ҳаракатлари туфайли халқ ижоди сарчашмаларидан, кейин Ҳамид Олимжон туфайли адабиёт ва санъат ҳаволаридан баҳраманд бўлиб улғайган Сарвар Азимов ўзбек адабиётини, унинг намояндаларини жуда яхши кўрар, улар даврасида ўзини жуда эркин ҳис этарди. У уюшмага келгач, жуда зўр иштиёқ билан иш бошлади. Аммо тақдирнинг ўйинини, замона зайлининг тескарилигини қарангки, у бутун ғайрати, шижоати ва қалб қўрини бағишламоқчи бўлган айни ана шу уюшмада кечган ҳаёти умрининг энг драматик саҳифаларини ташкил қилишини, ўша ерда унинг қуёши бота бошлашини, унинг учун ёруғ кунлар тугаб, қоронғи кунлар бошланишини ҳали Сарвар Азимов билмас эди.

У уюшмага келгач, ишни қатъий тартиб-интизом ўрнатишдан бошлади. Уюшмада ишлайдиган ҳар бир ходим, ҳар қайси маслаҳатчи ўз вазифасини сидқидилдан бажармоғи керак эди. Ёзувчилар уюшмаси бекорхўжалар саланглаб юрадиган, гап сотиб валақлашиб ўтирадиган кўнгил очар гузар эмас. Бошқалардан талаб қилмоқ учун раҳбар, аввало, ўзига талабчан бўлмоғи керак. У ишини шундай уюштирдики, келгандан кейин унинг бирор дақиқа ҳам бекорчи вақти бўлмас эди. У ҳатто ёзувчиларни қабул қиладиган вақтини ҳам аниқ режалаштириб қўйди ва бунга қатъий амал қилди. Котибият мажлислари, секцияларнинг ишлари ҳам қатъий режа асосида ўтказиладиган бўлди. Аммо замон айланиб, чаппасига кетгандан кейин эса унинг устидан ёзилган думалоқ хатларда бу ишларнинг бари “уюшма ишига бюрократизм унсурларини олиб кириш” деб баҳоланди. “Ёзувчилар уюшмасида тўрачилик тартиблари ўрнатилди, ёзувчилар ўз уюшмасига ҳам соатга қараб, рухсат сўраб кирадиган бўлиб қолди” деган шикоятлар ёғилди. Аммо Сарвар Азимов бунақа маза-бемаза гапларга аҳамият бермади — уюшмада ўзи тўғри деб билган тарзда иш юритишда давом этди.

Уюшмада қатъий тартиб ва интизом ўрнатиш билан бирга унинг ишига энг яхши кучларни жалб қила бошлади. Жумладан, у истеъдодли шоир Шавкат Раҳмоннинг ишчанлиги, ўткир зеҳнини кўриб, ўзига ёрдамчи қилиб олди.

Сарвар Азимов Ёзувчилар уюшмасини мамлакатдаги уюшмалар ичида олдинги ўринлардан бирига олиб чиқмоқчи эди ва бу борада бошқаларнинг тажрибаларидан фойдаланиб иш юритди. Масалан, ўша кезларда уюшма мени эстон ёзувчиларининг қурултойига вакил қилиб жўнатадиган бўлди. Мен хурсанд бўлдим, чунки бунақа сафарларнинг ҳеч қанақа масъулияти йўқ, бориб қурултойга икки оғиз салом топшириб, ўзбек ёзувчилари номидан муборакбод қиламан-у, қолган вақтларни кўнгилхушлик билан ўтказиб, қайтаверасан. Аммо сафарга жўнашдан олдин Сарвар ака мени ҳузурига чақириб, Эстониядаги ишларни ўрганиб қайтишим, жумладан, уларда адабий мукофотлар қай аҳволда эканини билиб келишим кераклигини айтди. Хуллас, бу галги сафар анча жиддий ишлар билан ўтди, мен қайтиб келгач, сафар якунларини батафсил ёзиб бердим. Орадан кўп ўтмай, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг йиллик мукофотлари жорий қилинди.

Сарвар Азимов ўзбек адабиётини ривожлантиришда, биринчи навбатда, ёш ижодкорларга суянишга ҳаракат қиларди. Нафақат пойтахтдаги, балки вилоятлардаги иқтидорли ёшларни ҳам уюшмага кўплаб аъзо қилиб олди. Ўша пайтларда Ёзувчилар уюшмасида ишлаган шоир Мирпўлат Мирзаевнинг эслашича, Сарвар ака “ёшларимизни жаҳонга учқур тулпорлардек қўйиб юбора олсам, армоним қолмасди” деган экан. Буни қарангки, ана шундай олижаноб ният билан амалга оширилган ишлар ҳам бироз кейинроқ Азимовга қарши уюштирилган думалоқ хатларда унинг энг катта хатоларидан бири сифатида талқин қилинди. Гўё у ёшларга ўзини яхши кўрсатиб, уларни ўзига оғдириб олмоқчи, сохта обрў орттирмоқчи бўлган, ёшлардан ўзига содиқ гуруҳлар тузишни ўйлаган... Бундай бўҳтонларни ўқиганда одамларнинг разиллиги фақат ўтмишда, Шекспирлар замонида қолиб кетмаганига, аксинча, бизнинг давримизда ҳам янада юксакроқ даражага кўтарилиб, инсонга санчиладиган заҳарли найзасини янада ўткирроқ қилиб яшашда давом этаётганига амин бўласан. Ҳа, инсон камолоти чегара билмаганидек, унинг разолати ҳам ақл бовар қилмайдиган тубанликларга тушмоғи мумкин эмас.

Сарвар Азимов ёшларнинг китобларига кенг йўл очиб берди — ўша йилларда бир-икки йил ичида кўпгина нашриётларда ёшларнинг юзлаб (!) биринчи китоблари босмадан чиқди. Иш фақат ёшларни уюшмага қабул қилиб, биринчи китобларини чиқариш билан чекланмас эди. Ҳар икки йилда ёшлар семинарини ўтказиб туриш одат тусига кирди. 7 кун давомида Дўрмон боғида ёшларнинг қўлёзмалари муҳокама қилинар, уларнинг яхшилари нашрга тавсия этилар, тажрибали ёзувчиларнинг маҳорат масалаларига бағишланган суҳбатлари ўтказиларди. Бу семинарлар ёш ижодкорлар учун катта байрамдек ўтар ва уларнинг ҳаётларида бир умрга ўчмас из қолдирар эди.

Сарвар Азимов ҳамон “Ёзувчининг турмуши яхши бўлиши керак. У ҳеч нарсага зориқмаслиги керак, шундагина самарали ижод қилади” деб ҳисобларди. Шу сабабдан муҳтож ёзувчиларни уй-жой билан таъминлашга, уларнинг машина харид қилишларига алоҳида эътибор билан қарарди. Ўша йилларда юзлаб ёзувчилар квартирали ва машинали бўлиб қолишди. Сарвар Азимов ёзувчиларнинг халқ билан яқинлигини таъминлашга ҳам ғоятда катта аҳамият берар ва бу борада ҳам катта ишларни амалга оширарди. Бу борада у баъзи бир одамларнинг адабиётга беписанд қарашини, ёзувчини камситадиган қилиқларига дуч келганда, бундай одамлар ҳар қанча катта мансаб эгалари бўлмасин, уларни ўз ўрнига қўйиб қўя олар эди. 80-йилларнинг ўрталарида вилоятларда адабиёт кунлари ўтказиладиган бўлди. Шундай кунлардан бири Бухорода ўтадиган бўлди. У ерга 40 та атоқли ўзбек шоирлари ва носирлари ташриф буюрди. Кейинчалик улар гуруҳларга бўлиниб, вилоятнинг ҳамма туманларида бўлиши ва халқ билан учрашувлар ўтказмоғи лозим эди. Аммо ўша кунлардаёқ Сарвар Азимовнинг бошида қора булутлар айлана бошлаган эди — унинг мустақил иш тутиши, ташаббускорлиги, ҳамма жойда ўз сўзини ўтказа олиш қобилияти, бир сўз билан айтганда “шакkоклиги” “катталар”нинг энсасини қотира бошлаган эди. Шунинг учун марказдаги мафкура мутасаддиси Бухорога қўнғироқ қилиб, ёзувчиларни кутиб олмаслик, умуман, ҳадеб уларни “бошга кўтаравермаслик”ни топширади. Натижада, Бухородаги ўша пайтдаги мутасаддилар ёзувчиларни кутгани аэропортга ҳам чиқишмайди, уларни тузукроқ жойлаштиришни ҳам ўйлашмайди. Натижада, катта байрамдек ўтиши керак бўлган кунлар нохушлик билан совуққина бошланади. Бундан бехабар Азимов атоқли ижодкорларга бош бўлиб Бухорога етиб келади ва жуда кучли мантиқ билан ёзувчиларга бундай муомала қилиш мумкин эмаслигини, ҳар қандай чириш-у таназзул адабиёт ва санъатга беписанд қарашдан бошланишини уқдиради. Бу гапларни эшитиб мулзам бўлган бухоролик мутасадди тошкентлик катта раҳбарнинг тайинлаганларини ҳам унутиб, адабиёт кунларига муносабатини ўзгартиради ва адабиёт кунларининг қолган қисми чинакам байрамдек юқори савияда ўтади.

Сарвар Азимов қисқа муддатда Ёзувчилар уюшмасида катта ишларни амалга оширди ва ўзбек ёзувчиларининг жамият ҳаётида тутган ўрни, элу юрт олдидаги обрў-эътибори тобора мустаҳкамлана борди...

Сарвар Азимов — катта инсон эди. Унинг яхши ишлари ҳам, катта ишлари ҳам бор эди. Айни чоғда, хатолари ҳам, қусурлари ҳам ўзига яраша эди. Лекин нима бўлганда ҳам у одамлар ҳаётида муайян из қолдирди ва буни унутиш мумкин эмас. Ҳаётлигида дурустроқ қадрига етмаганимиз инсонни лоақал вафотидан кейин руҳини шод қилайлик.

Реклама

**O‘ZBEKISTON DAVLAT KONSERVATORIYASI HUZURIDAGI BOTIR ZOKIROV NOMIDAGI MILLIY ESTRADA SAN’ATI INSTITUTI**

QUYIDAGI KAFEDRALAR BO‘YICHA LAVOZIMLARGA TANLOV E’LON QILADI:

“Estrada xonandaligi” kafedrasi — katta o‘qituvchi (3); professor (1).
“Estrada cholg‘u ijrochiligi” kafedrasi — o‘qituvchi (2); katta o‘qituvchi (2).
“Musiqiy ovoz rejissyorligi” kafedrasi — katta o‘qituvchi (2).
“Estrada ijrochiligi pedagoglari tayyorlash” kafedrasi — o‘qituvchi (3); katta o‘qituvchi (3); dotsent (1).
“Kompozitorlik va aranjirovka” kafedrasi — o‘qituvchi (2); katta o‘qituvchi (1).
“Musiqiy nazariy va tarixiy fanlar” kafedrasi — o‘qituvchi (2).
“Fakultetlararo fortepiano ijrochiligi” kafedrasi — o‘qituvchi (2); katta o‘qituvchi (1).
“O‘zbek tili va ijtimoiy fanlar” kafedrasi — o‘qituvchi (1).

Tanlovda ishtirok etish uchun da’vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:
— rektor nomiga ariza;
— xodimlar shaxsiy varaqasi;
— oliy ma’lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarning nusxalari;
— o‘quv-uslubiy, ilmiy-tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro‘yxati;
— mutaxassislik bo‘yicha oxirgi uch o‘quv yilida malaka oshirganligi to‘g‘risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxasi.

Arizalar e’lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san’ati institutining xodimlar bo‘limi tomonidan qabul qilinadi.

**Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Botir Zokirov ko‘chasi, 1-uy. O‘zDK huzuridagi Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san’ati instituti. Telefonlar: (97) 139-35-25, (90) 989-13-89.**

«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ жамоаси банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Фарҳод Ғафуровга падари бузруквори

**МИРЗАРАСУЛ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 541. 17 824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.50 Топширилди — 03.05 1 2 3 4 5 6